

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАҚУЛОВА ДИЛБАР ЖЎРАҚУЛОВНА

**ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИ ДЕЗОДОРАЦИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ва
қайта ишлаш технологияси ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)****Хўжакулова Дилбар Жўракуловна**

Ўсимлик мойларини дезодорациялаш технологиясини
такомиллаштириш..... 3

Хужакулова Дилбар Журакуловна

Совершенствование технологии дезодорации растительных масел..... 21

Khujakulova Dilbar Jurakulovna

Improvement of technology of deodorization of vegetable oil 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАҚУЛОВА ДИЛБАР ЖЎРАҚУЛОВНА

**ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИ ДЕЗОДОРАЦИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/T441 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтидабажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) институт веб-сайтида (www.bmti.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мажидов Кахрамон Халимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович
техника фанлари доктори, профессор

Курбонов Жамшед Мажидович
техника фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

ЎзР ФА С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалар кимёси институти.

Диссертация химояси Бухоро муҳандислик-технология институти хузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (99895) 604-44-70, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz. Бухоро муҳандислик-технология институти 1-бини, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___, рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўч., 15. Тел.: (99895) 604-44-70).

Диссертация автореферати 2020йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020йил «___» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Р.Баракаев

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

И.И.Мехмонов

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш котиби т.ф.н., доцент

М.З.Шарипов

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ф-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда озиқ-овқат саноатида дезодорацияланган мойлардан кенг кўламда фойдаланилади, улар асосида озиқ-овқат, нонвойчилик, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Маргарин маҳсулотларининг сифатини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида дезодорацияланган мойлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш технологиясини модернизациялаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга.

Дунёда дезодорацияланган мойларнинг кўрсаткичларини яхшилаш, уларни ишлаб чиқариш учун моддий ва технологик харажатларни камайтириш, ишлаб чиқаришнинг технологик шароитларини оптималлаштириш, истеъмол маҳсулотларнинг сифати ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга дезодорацияланган мойларнинг сифатини ошириш мақсадида озиқ-овқат кўшимчалари ва ароматик моддалардан фойдаланиш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда мойларни дезодорациялаш технологияларини такомиллаштириш ва мойларнинг турларини олиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам ашё сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотларини озуқавий хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни тайёрлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада дезодорацияланган ўсимлик мойларидан фойдаланиб, сифатли озиқ-овқат ёғларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони, 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сон «Ички бозорни истеъмол маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой соҳасини жадал ривожлантириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика Фан ва технологиялари ривожланишининг боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII: «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон фармони.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мой ва ёғларни дезодорациялаш технологияларини такомиллаштириш бўйича П.А.Артамонов, Н.С.Арутюнян, Г.Я.Смирнов, Е.Н.Корнена, А.Г.Сергеев, Е.А.Камениди, А.И.Глушенкова, И.М.Товбин, Б.Н.Тютюнников, А.А.Шмидт, К.Х.Мажидов, С.А.Абдурахимов, Ю.К.Қодиров, А.А.Абдурахимов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ўсимлик мойлари ва ёғларни дезодорациялаш технологияларини такомиллаштириш, уларнинг сифатини ошириш пахта, соя ва бошқа турдаги ўсимлик мойлари асосида технологик шароитларини оптималлаштириш, турли хил маргарин маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун дезодорацияланган мойлардан фойдаланиш тавсиялари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга олинган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишларида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти ЁА9-5 «Юқори сифат ва озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичига эга дезодорацияланган ёғларни ишлаб чиқариш йўналишида ишланмалар» мавзусидаги (2014-2015 й.й.) ва ИОТ-9-8 «Юқори сифат ва озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичига эга ёғларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича янги ишланмалар» мавзусидаги (2015-2020 й.й.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсимлик мойларини дезодорациялаш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсимлик мойлари ва ёғлар таркибига кирувчи йўлдош ва ҳид берувчи моддаларнинг асосий таснифларини аниқлаш;

ўсимлик мойларини дезодорациялаш жараёнида электромагнит майдон таъсири усулларида фойдаланиб, турли навдаги мойли хомашёдан олинган пахта мойи ҳамда маҳаллий мойли уруғлардан соя мойини дезодорациялаш технологиясини такомиллаштириш;

пахта мойини ёғда эрувчан кўшимчалар билан бойитиб дезодорацияланган мойнинг сифатини ва озуқавийлигини ошириш;

ўсимлик мойларини дезодорациялашнинг муқобил технологик режимларини аниқлашнинг математик моделини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти турли навли мойли чигитлардан олинган, оқланган ўсимлик мойлари, мойларни дезодорациялаш технологияси, технологик шароитлар ва жараёнларини оптималлаштириш турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли навли хомашёдан олинадиган ўсимлик мойларини дезодорациялаш технологиялари, дезодорацияланган маҳсулотнинг сифатини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Замонавий физикавий, кимёвий ва физик-кимёвий усуллар (ИҚ, ГСХ, ИҚХ) қўлланилган ва олинган тажриба маълумотларини математик қайта ишлаш ўрганиб чиқилган

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

ўсимлик мойлари ва ёғлар таркибига кирувчи йўлдош ва хид берувчи моддаларнинг асосий таснифлари аниқланган;

ўсимлик мойларини дезодорациялаш жараёнида электромагнит майдон таъсир усулларида фойдаланиб, турли навдаги мойли хомашёдан олинган пахта мойини ҳамда маҳаллий мойли уруғлардан олинган соя мойини дезодорациялаш технологияси такомиллаштирилган;

пахта мойини ёғда эрувчан қўшимчалар билан бойитиш асосида дезодорацияланган мойнинг сифати ва озуқавийлигини ошириш илмий жиҳатдан асосланган;

ўсимлик мойларини дезодорациялашнинг муқобил технологик режимларини аниқлашнинг математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

такимллаштирилган технологияни қўллаш дезодорацияланган ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятини яратган;

дезодорациялаш жараёнининг оптимал параметрлари асосида дезодорацияланган мойлар ишлаб чиқариш жорий этилган;

такимллаштирилган дезодорациялаш технологияси амалиётда сарф ва харажатларни камайтириш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижалари ишончилиги физик-кимёвий таҳлиллар замонавий усулларида фойдаланиб мойларнинг сифат кўрсаткичлари, математик ишлов бериш ва ўсимлик мойлари дезодорацияси технологик усуллари оптималлаштириш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўсимлик мойини дезодорациялаш технологиясига электромагнит ишлов бериш, турли навли хомашёдан олинган пахта ва соя мойларини дезодорациялашнинг ўрни ва аҳамияти илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўсимлик мойларини дезодорация жараёнларига электромагнит майдони таъсиридан фойдаланиш, олинадиган маҳсулотларнинг юқори сифати ва озуқавий қийматини таъминлаш, ўсимлик мойларини дезодорация қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўсимлик мойларини дезодорациялаш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турли навдаги мойли хомашёдан олинган пахта мойини ҳамда маҳаллий мойли уруғлардан олинган соя мойини дезодорациялашни такомиллаштирилган технологияси “Когон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси” 2020 йил 2 декабрдаги КС/3-1352-сон маълумотномаси). Натижада дезодорацияланган мойнинг сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш имконини берган;

Ўсимлик мойларига электромагнит майдон таъсирида ишлов бериш натижасида дезодорациялаш жараёни жадаллаштирилган ва жараённи амалга оширишнинг муқобил технологик режимлари “Когон ёғ-экстракция” АЖ корхонасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси” 2020 йил 2 декабрдаги КС/3-1352-сон маълумотномаси). Натижада юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган дезодорацияланган ўсимлик мойларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маърузалар кўринишида 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-техникавий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 4 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп эттириш учун тавсия этган илмий нашрларда 6 та мақола, шулардан 2 та хорижий ва 3 та республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талаби мавжудлиги, унинг мақсад ва вазифалари асослаб берилади, унинг объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилади, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси бўйича тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши бўйича маълумотлар берилади.

Диссертациянинг «**Йўлдош моддалар, дезодорациялаш усуллари, технологиянинг ривожланиши истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида мойларнинг йўлдош моддалари бўйича адабиётлар таҳлили бажарилган, дезодорациялаш жараёнлари, усуллари ва технологик жиҳозлари, ўсимлик мойларини дезодорациялаш технологик усуллари, шунингдек ёғ ва мойларни дезодорациялаш технологияларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тавсифланган республикамиз ва дунёда олиб борилаётган илмий ва амалий изланишлар таҳлили келтирилган. Ўтказилган таҳлиллар асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектлари, дезодорациялаш технологияси ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида оқланган пахта ва соя мойлари дезодорациялашга жалб қилинган. Оқланган пахта мойлари «Когон ёғ-экстракция заводи» АЖ ишлаб чиқариш шароитларида турли навли мойли чигитлардан олинди. Пахта мойи

намуналарининг сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвий таснифлари 1-3 жадвалларда келтирилган.

1-жадвал.

Оқланган пахта мойлари фойдаланган намуналарининг физик-кимёвий таснифлари

Чигит навларининг мой намунаси	Сифат кўрсаткичлари						
	Кислота сони, мгКОН/г	Ранглилик, киз. бир. 35 сар.	Ёруғлик синдириш коэффициенти при 20°C	Микдори %			
				Токофероллар, мг/%	Кул	Стеринлар	Углеводдорлар
I	0,11	6	1,4572	0,06	1,41	0,80	0,11
II	0,17	8	1,4574	0,09	1,56	0,94	0,19
III-IV	0,19	11	1,4576	0,17	2,31	1,24	0,24
Ностандарт	0,21	19	1,4578	0,24	3,10	1,71	0,33

2-жадвал.

Пахта мойи намуналарининг сифат ва физик-кимёвий кўрсаткичлари

Оқланган мойнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари	Катталиги
Кислота сони, мгКОН/г	0,19-0,21
Намлик ва учувчан моддалар микдори, %, кўпи билан	0,1-0,2
Совунланмайдиган моддалар микдори, % кўпи билан	Излари
Зичлик, 20°C, г/см ³ да	918-935
20°C да ёруғлик синиши коэффициенти	1,4729-1,4760
20°C да кинематик қовушқоқлик	66,6 10
Совунланиш сони, мгКОН/г	189-199
Йод сони, %, J ₂	100-116

3-жадвал.

Оқланган пахта мойи витаминлари ва стероллари

β -каротин, мг / %	Излари
Витамин Е, мг / %	99
шу жумладан: α - токоферол β + γ - токоферол γ -токоферол	30 47 2
Стероллар, мг	0,24
шу жумладан: холестерол трассикастерол кампестерол стигмастерол β -ситостерол γ -стигмастерол	кучсиз кучсиз 0,01 сл. 0,22 кучсиз

1-3 жадваллар маълумотлари дезодорация технологиясига жалб қилинган пахта мойлари сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвий хоссалари билан ўзаро фарқланишини кўрсатади.

Дезодорациялаш жараёнлари маҳаллий соя уруғлари навларидан олинган соя мойидан фойдаланиб бажарилди. Соя мойи кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал.

Хом ва оқланган соя мойларининг таркиби

Компонентлар	Мавжуд навлари		Маҳаллий навлар	
	Хом мой	Оқланган мой	Хом мой	Оқланган мой
Триглицеридлар, %	93–95	98 дан кам эмас	95–97	99 дан кам эмас
Фосфатидлар, %	1,3–2,3	0,002–0,040	1,5–2,5	0,003–0,045
Совунланмайдиган моддалар, %	1,7	0,5	1,6	0,3
Ўсимлик стероллари, %	0,31	0,17	0,33	0,13
Токофероллар, %	0,11–0,19	0,09–0,015	0,15–0,21	0,11–0,018
Углеводородлар (сквален), %	0,016	0,01	0,014	0,01
Эркин ёғ кислоталари, %	0,4–0,6	0,05 дан кам	0,3–0,7	0,05 дан кам

4-жадвал маълумотларидан хом ва оқланган соя мойлари маҳаллий навлари мавжуд навларидан сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвий хоссалари билан фарқланади.

Диссертациянинг учинчи бўлими пахта мойини дезодорациялаш технологик жараёнлари ва шароитларига бағишланган. Тадқиқотлар қўйидаги йўналишларда олиб борилган: хомашёни дезодорациялашга тайёрлаш; дезодорациялаш технологиясини такомиллаштириш; дезодорацияланган мойнинг сифатини яхшилаш. Пахта мойини қуритиш ва адсорбцион тозалаш жараёнида ашёга ортофосфат кислота ва углерод диоксиди таъсир этиб пахта мойини дезодорациялашга тайёрлаш технологияси такомиллаштирилди.

Технологик давомийликни қисқартириш ва мойдаги оксидланиш маҳсулотлари тўпланишини камайтириш мақсадида мойни кислота билан ишлов бериш, қуритиш ва адсорбцион тозалаш босқичларини бирлаштириш имконияти ўрганиб чиқилган. Тажрибада мойни ортофосфат кислота иштирокида қуритишда (мойдаги намликнинг бошланғич миқдори = 0,6%) мойда гидропероксидлар ва диен бирикмалар тўпланиши ҳосил бўлмайди, бироқ фосфор сақлаган бирикмалар миқдори ортади ва мойларнинг кислота сони ошади (5-жадвал).


5-жадвал.

Ортофосфат кислота (H_3PO_4) иштирокида ва кислотасиз қуритилган оқланган пахта мойларининг нисбий таснифлари


Кўрсаткичлар	Оқланган, ювилган, қуритилган мой			
	H_3PO_4 киритмасдан	Мойдаги концентрланган H_3PO_4 масса улуши		
		0,1	0,3	0,5
Кислота сони, мг·КОН/г	0,19	0,26	0,38	0,57
Перекис сони, 1/2 O моль/кг	14,21	13,81	13,18	2,62
Диен боғли моддалар миқдори				
$\lambda=232$ нм	0,53	0,40	0,24	0,20
$\lambda=268$ нм	0,04	0,03	0,02	0,02
Фосфор миқдори, мг/кг	5,1	8,3	12,6	19,5

Карбонат ангидридининг (CO_2) сувдаги эрувчанлиги $60^\circ C$ да ҳам 0,36 (газ ҳажмининг сув ҳажмига нисбати) ни ташкил қилади, бунда унинг бир қисми (1% атрофида) карбонат кислотаси ҳосил бўлишига сарфланиб, унинг диссоциация константаси $K=[H^+][HCO_3^-]/[H_2CO_3]=5 \cdot 10^{-4}$ ни ташкил қилади, яъни бу кўрсаткич уксус ёки лимон кислотасидан анча юқори. CO_2 барботажини билан мой қатлами орқали водород ионлари таъсирида, мой ва сувда эриган

кислород алмашишига ва вакуум остида газ оқимида реакциянинг газсимон маҳсулотлари йўқотилишига эришилади. Бунда мойни қуритиш жараёнида ва жараён ҳароратининг ошишида карбонат ангидридининг, ҳам сувдаги, ҳам мойдаги эрувчанлиги пасаяди ва карбонат кислотаси ҳосил бўлмайди ва газ инерт бўлиб қолади (1 ва 2-расмлар)



1-расм. Намликнинг турли масса улушига эга мойларни 1,1'' -0,05%, 2,2''-0,3%, 3,3''-1,0% ва 30 мин давомида карбонат ангидриди билан қайта ишлашда ҳароратнинг мой кислота сони (1, 2, 3 эгри чизиқлар) ва перекис сонига (1'', 2'', 3'' эгри чизиқлар) боғлиқлиги



2-расм. Намлиги 1,0% бўлган мойнинг CO₂ иштирокида қайта ишлашнинг 60°C (1,2) ва 90°C (1'',2'') ҳароратида вақт бўйича кислота (1,1'') ва перекис (2,2'') сонлари ўзгариши боғлиқлиги


Турли намликка эга мой қатлами орқали 30 минут давомида 20°C ҳароратда CO₂ билан барботажда мойнинг кислоталиги ошиши ва перекис сони камайиши кузатилди (6-жадвал). Мойдаги намликнинг миқдори қанча катта бўлса, кислота сони ўсиши ва перекис сони камайиши шунча ортади.

6-жадвал.

Мойдаги намлик миқдорининг CO₂ иштирокида унинг кўрсаткичлари ўзгаришига таъсири (t = 20°C, τ = 30 мин.)

Кўрсаткичлар	Мойдаги намликнинг масса улуши, %				
	0,05	0,1	0,3	0,5	1,0
Кислота сони, мгКОН \ г	0,91	0,20	0,36	0,50	0,52
Перекис сони, 1\2 ммоль O\кг	20,2	21,5	19,5	18,7	18,5

Дезодорацияланадиган хомашёга электромагнит майдони таъсири орқали пахта мойини дезодорациялаш технологиясини такомиллаштириш амалга оширилган. Электромагнит ишлов бериш учун ишлаб чиқаришда мавжуд ускуна қўлланилган. Оқланган мойдаги асосий йўлдош моддаларнинг миқдорини пасайтиришга электромагнит майдон кучланганлиги таъсири ўрганилди. Электромагнит майдони кучланганлиги электр токи ростлагичи билан бошқарилди (3-расм).



3-расм. Электромагнит майдони таъсирдан фойдаланиб пахта мойини дезодорациялаш қурилмаси.

1. дезодорациялаш учун сиғим; 2. аралаштиргич; 3. Электр юритгич; 4. вакуум учун патрубкоок; 5. хом ашёни узатиш учун патрубок; 6. спираль электр иситгич; 7. чиқариш патрубкеси; 8. электромагнит аппарат; 9. ушлагич-маҳкамлагич; 10. ток кучланганлиги ўлчагичи; 11. кучланиш регулятори.

7-жадвалда келтирилган маълумотлар, пахта мойларини электромагнит майдондан фойдаланиб дезодорациялашда йўлдош моддалар миқдорининг

сезиларли пасайиши кузатилади. Энг юқори кўрсаткичлар I-II нав чигитлардан олинган пахта мойларини дезодорациялашда кузатилди.

7-жадвал.

Дезодорацияланган пахта мойининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Чигит навларидан мой намуналари	Сифат кўрсаткичлари						
	Кислота сони, мгКОН/г	Рангли лик, қиз. бир. 35 сар.	Ёруғлик синиш коэффициенти, $n_D^{20^{\circ}C}$	Микдори %			
				Токоферол лар, мг, %	Кул	Стерин лар	Углеводородлар
I	0,13	4	1,4574	0,01	0,90	0,35	0,06
II	0,21	6	1,4576	0,04	1,01	0,66	0,11
III-IV	0,29	10	1,4580	0,09	1,76	0,83	0,17
Ностандарт	0,35	17	1,4580	0,16	2,83	1,04	0,26

Чигит навларининг пасайиши йўлдош моддалар микдорининг пасайишига салбий таъсир кўрсатади. Дезодорациялаш технологиясида электромагнит майдон кучланганлигининг (0,4...2,4А/м) мойдаги йўлдош моддалар микдорининг пасайишига таъсири ўрганилди. Бунда I-II нав чигитлардан олинган пахта мойлари дезодорация қилинди.

8-жадвал.

Мойни дезодорациялашда мойдаги йўлдош моддалар микдорининг пасайишига электромагнит майдон кучланганлиги таъсири

Кучланган лик ЭММ, А/м	Сифат кўрсаткичлари						
	Кислота сони, мгКОН/г	Рангли лик, қиз. бир. 35 сар.	Ёруғлик сидириш коэффициенти, $n_D^{20^{\circ}C}$	Микдори %			
				Токоферол лар, мг/%	Кул	Стеринлар	Углеводородлар
0,4	0,17	6	1,4572	0,020	0,95	0,57	0,080
0,8	0,16	5	1,4572	0,020	0,90	0,54	0,072
1,2	0,15	4	1,4572	0,015	0,83	0,51	0,068
1,6	0,13	3	1,4572	0,010	0,75	0,40	0,061
2,0	0,13	3	1,4574	0,009	0,73	0,37	0,060
2,4	0,14	3	1,4574	0,009	0,70	0,36	0,060

Тадқиқот натижалари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвалда келтирилган маълумотлар мойни дезодорациялаш технологиясида хомашёга электромагнит ишлов бериш мойдаги йўлдош моддалар микдорининг пасайишига сезиларли таъсир кўрсатади. Аниқ

натижалар электромагнит майдон $1,6A/m$ кучланганлигида кузатилди. Мазкур омилнинг кейинги ўзгаришлари дезодорацияланган мойнинг физик-кимёвий хоссаларига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Шундай қилиб, турли навли хомашёдан олинадиган пахта мойини дезодорациялашнинг тубдан янги технологияси ишлаб чиқилди. Дезодорациялаш жараёнларида турли навли хомашёдан олинадиган пахта мойини қайта ишлашда электромагнит ишлов бериш технологиясининг қўлланилиши якуний маҳсулотнинг сифатини ошириш ва физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш имконини беради. Энг аниқ натижалар электромагнит майдонининг $1,6 A/m$ кучланганлигида кузатилди.

Диссертациянинг тўртинчи бўлими **соя мойини дезодорациялаш ва унинг дистиллятларидан фойдаланишга** бағишланган.

Маҳаллий мойли уруғлардан олинадиган соя ёғлари кимёвий таркибининг ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Бундай кимёвий таркибга эга соя мойлари осонгина дезодорация қилинади.

Маҳаллий соя мойларини дезодорациялаш даражасига технологик шароитларнинг таъсири аниқланган.

9-жадвалда юқори сифатли мойларни ишлаб чиқариш учун дезодорациялаш жараёнининг ишчи шароитлари келтирилган.

9-жадвал.

Соя мойини дезодорациялаш шароитлари

Шароитлар	Аниқланилган маълумотлар	Тажриба маълумотлари
Абсолют босим, мм сим. уст.	3 – 10	1 – 6
Ҳарорат, °C	270 – 280	252 – 266
Сақлаб туриш давомийлиги, мин	20 – 25	15 – 16
Стриппинг-буғ, % мой массаси	2 – 5	1 – 3

Тажриба тадқиқотларда дезодорациялаш технологик усуллари енгилроқ шароитда амалга оширилди.

Соя мойини дезодорация жараёнига технологик шароитларнинг таъсири ўрганилди. Дезодорациялаш жараёни юқори сифатли маҳсулотини олиш учун зарур бўлган хом-ашё ҳам юқори сифатли бўлиши талаб қилинади. Жараённинг исталган босқичида нотўғри ёки етарли даражада ишлов берилмаса, дезодорация учун жалб қилинадиган мой сифатининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Тажриба тадқиқотларда дезодорация қилинган соя мойининг сифати ва физик-кимёвий хусусиятлари ишлатилган қурилманинг конструкциясига боғлиқ бўлади.

Дезодорациялашда абсолют босимни ушлаб туриш учун буғ-эжектор вакуум тизимларидан фойдаланилди. 3 мм сим. уст. да ишлаш учун тизим одатда тўртта буғ-эжектордан ва 2 та оралик конденсаторлардан иборат бўлади. Тизимда ишчи буғ тезлиги барботажловчи буғ тезлигидан 5-7 мартадан ошмайди.

Тажриба тадқиқотларида (10-жадвал) соя мойи 0,1% токоферол сақлаган ва дезодорациялашнинг 260 дан 265°C гача ҳароратида мазкур микдорнинг 40 дан 50% гача қисми йўқотилади.

Соя мойи таркибидаги дезодорациялаш қўшимча маҳсулотлари (10-жадвал) фосфатидлар, совунланмайдиган моддалар, эркин ёғ кислоталари ва совун аралашмасидан иборат.

10-жадвал.

Соя мойини дезодорациялаш дистиллятлари таркиби, %

Компонентлар	Соя мойи	
	Аниқланилган навлар	Маҳаллий навлар
Совунланмайдиган моддалар	35	33
Токоферол	10,5	11,1
α – Токоферол	0,75	0,9
Стерол	19	18
Стигмастерол	4,7	4,4


Тажриба тадқиқотларида дезодорациялаш дистиллятлари дезодораторга келиб тушадиган хомашёнинг 0,25 дан 0,50% гача қисмини ташкил қилади. Улар асосан совунлайнмайдиган моддалар ва кичик микдорда ёғ кислоталаридан иборат бўлади. Дезодорациялаш дистиллятлари – учувчан органик кислоталар, соя мойини дезодорациялашда иккиламчи маҳсулот сифатида ажратиб олинади. Тажрибаларда токофероллар ва стероллар дистиллятдан ҳамда барометрик конденсатор сувлари мойли қолдиғидан ажратиб олинади. Дистиллятдан 98% токофероллар ва 95% дан ортиқ стероллар ажратиб олинди, α-токофероллар шунингдек маълум антиоксидловчи фаоллик билан токоферолларда умумий токоферолларнинг камида 80% ини ташкил қилади.

Дезодоратордаги ишчи шароитлар дистиллятларга нисбатан кўпроқ мой сифатидан боғлиқ бўлади. Дезодорациялаш давомида токофероллар ва стеролларнинг бир қисми буғланади. Уларни тўлалигича йўқотиш зарурий деб ҳисобланмайди, қолдиқ токофероллар ўзининг антиоксидловчи фаолияти сабабли мақбул компонент бўлиб ҳисобланади.

Токофероллардан озик-овқат антиоксидантлари сифатида фойдаланиш ўрганилди ва уларнинг бошқа озик-овқат ва синтетик маҳсулотлар билан таққосланиши ўтказилди. α-токофероллар ҳам маълум антиоксидловчи фаолликка эга, бироқ δ- ва γ-токофероллар самаралироқ антиоксидантлар бўлиб ҳисобланади ва одатда аралаш токоферолларда умумий токоферолларнинг камида 80% ини ташкил қилади. Аралаш токофероллар синтетик антиоксидантлар ишлатилишига йўл қўйилмаган ҳолатдагина ишлатилди. Афзаллик нисбатан табиий маҳсулотларга берилган.

Мойларни дезодорациялаш ишлаб чиқариш синовлари натижалари.

Пахта ва соя мойларини дезодорациялаш технологиясини синовлардан ўтказиш ва жорий этиш «Когон ёғ-экстракция заводи» АЖда олиб борилди. Пахта ва соя мойларини ишлаб чиқариш шароитларида дезодорациялашнинг технологик тизими 4-расмда келтирилган.



4-расм. Ишлаб чиқаришда ўсимлик мойларини дезодорациялаш технологик схемаси

1,2,10,12,26,27,29–сиғимлар; 3,7,11,13,28,30,31–насослар; 4,9–силликловчи фильтр; 5–қиздиргич; 6,23–дезодораторлар; 8–совутгич; 14–тарози; 15–нам ушлагич; 16,17,32–конденсатор; 18,19,20–коллектор; 21,24–буғ эжектори; 22–иситгич; 33–сув ҳаммоми

Корхонада пахта мойини дезодорациялаш узлукусиз ишловчи унумдорлиги 100 т/кун бўлган устунли қурилмалардан амалга оширилади. Ушбу йўналишнинг ўзига хос хусусияти, унда бевосита дезодорация жараёнларининг ўзи қайта ишланган мойда мавжуд бўлган эркин ёғ кислоталарини дистиллаш билан бирлаштирилиши мумкин.

Дезодорацияланган пахта ва соя мойлари ишлаб чиқариш намуналарининг сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвий таснифлари 11-чи ва 12-чи жадвалда келтирилган.

11-жадвал.

Ишлаб чиқаришда дезодорацияланган пахта мойи намуналарининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Мой				
	Дезодорацияланмаган			Дезодорацияланган	
	Олий нав	I нав	II нав	Олий нав	I нав
Тиниқлиги	Шаффоф				
Ҳид ва маза	Рафинацияланган пахта мойига хос, қўшимча ҳидсиз ва таъмсиз			Дезодорацияланган пахта мойига хос, ҳидсиз, таъми	
	Таъмсиз	Таъми аниқланмайди		Таъмсиз	Таъми аниқланмайди
35 сариқ рангда	7	10		7	10
Кислота сони, $мгКОН/г$ дан юқори эмас	0,2	0,2		0,2	0,2
Намлик ва учувчан моддалар, % дан юқори эмас	0,1	0,2		0,1	0,1
Ёғсиз аралашмалар (чўкма), % юқори эмас	Мавжуд эмас			Мавжуд эмас	
Совун (сифат баҳоси)	Мавжуд эмас				
Йод сони, I_2 100 г	101 – 116				
Совунланмайдиган моддалар, % юқори эмас	1,0				
Экстракцияланган мойнинг алангаланиш ҳарорати, °C	232	232		234	232

12-жадвал.

Ишлаб чиқаришда дезодорацияланган соя мойи намуналарининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Мой	
	Дезодорацияланмаган	Дезодорацияланган
1	2	3
Тиниқлиги	Шаффоф	
Ҳид ва маза	Рафинацияланган соя мойига хос, кўшимча ҳидсиз ва таъмсиз	Дезодорацияланган соя мойига хос, ҳидсиз, таъми
Ранг кўрсаткичи, мг I ₂ , дан кўп эмас	12	12
Кислота сони, мг КОН/ г дан юқори эмас	0,3	0,3
Намлик ва учувчан моддалар, % дан юқори эмас	0,15	0,10
Ёғсиз аралашмалар (чўкма), % юқори эмас	Мавжуд эмас	
Стеароолеолецитинга нисбатан	0,05	0,05
P ₂ O ₅ га нисбатан	0,004	0,004
Совун (сифат баҳоси)	Мавжуд эмас	
Йод сони, I ₂ 100 г	101 – 116	
Совунланмайдиган моддалар, % юқори эмас	–	0,8
Экстракцияланган мойнинг алангаланиш ҳарорати, °С	–	240

Шундай қилиб, мазкур тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш ва жорий этиш асосида дезодорацияланган мойларни сифатини оширишга ва физик-кимёвий таснифларини юксалтиришга эришилди. Булар материал технологик, иссиқлик–энергия сарфларини камайтиришни таъминлади ва маълум иқтисодий самарани олишни белгилади.

ХУЛОСА

1. Йўлдош (фосфолипидлар 0,8 -1,6 %, соя фосфолипиди 1,0- 6,0 %, эркин ёғ кислоталари 0,4-0,6 %; 0,3-0,7 %) ва ҳид берувчи моддаларни (углеводородлар 0,061 %, стерин 0,40 %), дезодорацияланган пахта ва соя мойларини сифатига ва дезодорациялаш технологиясига таъсири аниқланди.

2. Мойларни дезодорациялаш технологиясига тайёрлашда 0,5%, 0,3%, 1,0% намликдаги ортофосфор кислоталарнинг ишқорий эритмаларидан фойдаланилди. Натижада дезодорацияланган мойда пероксид сонини 12-20 мг KOH/g гача, токоферолларни 0,031- 0,009 % гача, кислота сонини 0,13-0,31 % оралигида таъминлаш асосида эришилди. Бу дезодорацияланган мойларни юқори озуқавийлик қийматини ва хавфсизлигини таъминлади.

3. Ўсимлик мойларини юқори дезодорациялаш даражаси 180-200 °С, 50-70 мм *сим. уст* босимда таъминланди.

4. Дезодорациялаш ашёсига кучланганлиги (0,4-2,4 А/м) магнит майдони таъсир этирилиб, мойларни дезодорациялаш технологик жараёнлари такомиллаштирилди.

5. Дезодорациялаш технологиясини жадаллаштириш асосида дезодорацияланган мой чиқишининг 1,5-2,5% оширишга эришилди.

6. Мойларни дезодорациялашни оптимал шароитлари (ҳарорат 180-200°С; босим 1-6 мм.*сим.уст*; давомийлик 15-16 мин) тажриба натижаларини математик ишлов бериш ва уларни оптималлаштиришни баҳолаш асосида таъминланди.

7. Дезодорациялашга мавжуд меъёрий технологик хужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар (ҳарорат шароитлари, босим, дезодорациялаш давомийлиги) киритилди.

8. Жорий этилган мойларни дезодорациялаш технологияси натижаларини қўллаш асосида АО «Когон ёғ экстракция заводи» шароитида йиллига 217 млн сўм иқтисодий самара олиниши белгиланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 ПРИ
БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХУЖАКУЛОВА ДИЛБАР ЖУРАКУЛОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ДЕЗОДОРАЦИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ
МАСЕЛ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2017.3.PhD/T441.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу bmti_info@edu.uz. информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz.)

Научный руководитель:

Мажидов Кахрамон Халимович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович
доктор технических наук, профессор

Курбонов Жамшед Мажидович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

УЗР ФА институт химии растений им. С.Ю. Юнусова.

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 г. в _____ часов на заседании научного совета PhD.03/30.12.2019.T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: (200117, г.Бухара, ул. К.Муртазаева, 15. Тел.: (99895) 604-44-70, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz. Бухарский инженерно-технологический институт 1-корпус, 2-этаж, конферен зал).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института за № ___, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (200117, г.Бухара, ул. К.Муртазаева, 15.Тел.: (99895) 604-44-70.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2020 г.).

Н.Р.Баракаев

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

И.И.Мехмонов

Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.т.н., доцент

М.З.Шарипов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире дезодорированные масла широко используются в пищевой промышленности, на их основе производятся продовольственные, хлебобулочные и кондитерские изделия. В целях повышения качества и обеспечения пищевой безопасности маргариновой продукции особое значение имеет модернизация технологии производства дезодорированных масел.

В мире большое внимание уделяется на проведению научных исследований по улучшению показателей дезодорированных масел, уменьшению расхода материальных и технологических затрат на их производство, оптимизации технологических режимов производства, обеспечение качества и пищевой безопасности потребительских продуктов. Наряду с этим, проводятся работы по использованию пищевых добавок и ароматических веществ для повышения качества дезодорированных масел.

В Республике проводится ряд работ по усовершенствованию технологии дезодорации и получению новых видов продуктов. В Указе² Президента РУз по дальнейшему развитию республики определены задачи отрасли как «Развитие отраслей производства, дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, применение на практике энергосберегающих способов с малым расходом сырья, обеспечение пищевой безопасности продовольственной продукции, производство импортозамещающих, конкурентоспособных и экспортных продуктов». В связи с поставленными задачами важное значение имеют научно-исследовательские работы, направленные на производство качественной жировой продукции на основе дезодорированных растительных масел.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, приведенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 гг.», Указ Президента № ПП-3696 от 4 мая 2018 года «О дополнительных мерах по устойчивому обеспечению внутреннего рынка продовольственными продуктами», № ПП-3484 от 19 января 2018 года «О мерах по ускоренному развитию масложировой отрасли и других нормативно-правовых актах, касающихся этой деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии VII: «Химическая технология и нанотехнология»

Степень изученности проблемы. Научными исследованиями по усовершенствованию технологии дезодорации масел и жиров занимались: П.А.Артамонов, Н.С.Арутюнян, Г.Я.Смирнов, Е.Н.Корнена, А.Г.Сергеев,

²Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 гг» от 7 февраля 2017г.

Е.А.Камениди, А.И.Глушенкова, И.М.Товбин, Б.Н.Тютюнников, А.А.Шмидт, К.Х.Мажидов, С.А.Абдурахимов, Ю.К.Кадиров, А.А.Абдурахимов и другие.

Ими усовершенствованы технологии дезодорации растительных масел и жиров, разработаны оптимальные технологические условия получения дезодорированных масел.

Наряду с этими проводятся научно-исследовательские работы по усовершенствованию дезодорации растительных масел и жиров; оптимизации технологических условий на основе хлопкового, соевого и других видов растительных масел; использованию дезодорированных масел для производства маргариновой продукции; повышению качества и обеспечению их пищевой безопасности.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с тематической программой научно-исследовательских работ Бухарского инженерно-технологического института ЁА9-5 «Разработки в направлении производства дезодорированных жиров с высокими показателями качества и пищевой безопасности продуктов» (2015-2017 гг.), ИОТ-9-8 «Новые разработки в совершенствовании технологии масел с высокими показателями качества и пищевой безопасности продуктов» (2017-2020 гг).

Целью исследования является совершенствование технологии дезодорации растительных масел.

Задачи исследования:

изучение основных характеристик сопутствующих и одорирующих веществ входящих в состав растительных масел и жиров;

